

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ТОШПЎЛАТОВА АЗИЗАХОН ДИЛШОДОВНА**

**Co(II) VA Zn(II) НИНГ ЯНГИ БИОКОМПЛЕКСЛАРИНИ ЯРАТИШ,  
СТАНДАРТЛАШ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

<b>Тошпўлатова Азизахон Дилшодовна</b> Co(II) ва Zn(II) нинг янги биокомплексларини яратиш, стандартлаш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш.....	3
<b>Ташпулатова Азизахон Дилшодовна</b> Создание, стандартизация новых биокомплексов Co(II), Zn(II) и изучение их свойств.....	29
<b>Tashpulatova Azizakhon Dilshodovna</b> Creation, standardization of new biocomplexes Co(II), Zn(II) and study of their properties.....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	59

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ТОШПЎЛАТОВА АЗИЗАХОН ДИЛШОДОВНА**

**Co(II) VA Zn(II) НИНГ ЯНГИ БИОКОМПЛЕКСЛАРИНИ ЯРАТИШ,  
СТАНДАРТЛАШ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Far.10. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Юнусходжаев Ахматходжа Нигманович  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Комилов Хожнасрор Масудович  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Бобоев Исомиддин Давронович  
кимё фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Абдулладжанова Нодира Гуломжановна  
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Мирзо Улугбек номли Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил 01 соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz.).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил « 6 » 01 кунни тарқатилди.

(2021 йил « 6 » 01 даги 13 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д.

Е.С.Кариева  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д.,  
профессор

Ф.Ф.Урманова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, фарм.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2 миллиарддан ортиқ одамда, яъни дунё аҳолисининг тахминан 30%, микроэлементларни миқдори белгиланган меъёридан паст. Сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин - етарли бўлмаган даражада овқатланиш, заиф иммунитет тизими, юқумли ва ирсий касалликлар. Шунинг учун инсон организмидаги бир қатор металлоферментларнинг фаол таркибий қисмлари бўлган рух, кобальт ва бошқа 3d-гурух микроэлементларини сақлаган биоконкомплексларни яратиш, стандартлаш, уларни хоссаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида касалликларни олдини олиш ва даволаш тизимини такомиллаштириш мақсадида фармакологларининг изчил изланишлари, биринчи навбатда, таъсир механизмида табиий бирикмаларга яқинлашадиган дори воситаларини топишга қаратилган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада биометалларнинг физиологик фаол биолигандларини сақлаган координацион бирикмалар ва кизилмия иллизининг фаол таркибий қисмларидан ташкил топган биоконкомплексларни яратиш, уларнинг кимёвий модификацияси маҳсулотларини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳолини дори воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 майдаги ПҚ-2970-сон қарорининг 9-бандида «Қизилмия қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда юқори қўшимча қийматга эга экспортга йўналтирилган янги турдаги тайёр маҳсулотни технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазибалар белгилаб берилган. Бу борада, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи препаратларни яратиш, юқори самарали, замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 10 апрелдаги «2019-2021 йилларда республика фармацевтика саноатини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5590-сон фармонлари ва 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 майдаги «Ўзбекистон Республикасида қизилмия иллизини ишлаб чиқаришни ва саноат шароитида қайта ишлашни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2970-сон қарори

4310-сон қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>**

Мавзуга оид табиий доривор хом ашё асосидаги дори воситаларни яратишнинг назарий ва экспериментал асослари, сифат назорати усулларини ишлаб чиқиш ва стандартлаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute of Pharmaceutical Science (Ҳиндистон), Yonsei University, Seoul, (Корея), Engineering Center of State Ministry of Education for Standardization of Chinese Medicine Processing ва Huazhong University of Science and Technology (Хитой), Марбург университети (Германия), Кинки университети (Япония), Пятигорск давлат фармацевтика Академияси, Самара давлат тиббиёт институти, И. М. Сеченов номли биринчи Москва тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Миллий фармацевтика университети (Украина), Жанубий Қозогистон тиббиёт Академиясида (Қозогистон) олиб борилмоқда.

Биоэлементлар ва физиологик фаол моддалар сақлаган биокомплексларни синтез қилиш, уларни хусусиятлари ва тузилишини ўрганишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: микроэлемент сақлаган координацион бирикмалар асосида янги биокомплекслар яратилган (Evanston and Illinois, USA), микроэлемент сақлаган координацион бирикмалар фармакологик фаоллиги аниқланган (Karolinska Institute, Sweden), микроэлементлар сақлаган дори препаратларнинг клиник синовлари амалга оширилган (Pravara Institute of Medical Sciences, India), глицирризин кислота ва унга асосланган бирикмаларнинг тузилиши, ажратиш усуллари, кимёвий модификацияси ва трансформацияси асосида янги биофаол моддалар синтез қилинган (Пятигорск тиббиёт-фармацевтика институти, Россия Федерацияси), глицирризин кислота ва унинг ҳосилаларининг стереокимёси ва фармакологик фаолияти аниқланган (Россия Фанлар Академиясининг органик кимё институти, Бошқаристон давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси), глицирризин кислотаси асосида дори воситаларини яратиш технологик ва биофармацевтик жиҳатлари ишлаб чиқилган (Жанубий Қозогистон давлат тиббиёт академияси, Қозогистон).

Дунёда янги биокомплексларни яратиш, стандартлаш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: фармакологик таъсирни ва безарарлигини аниқлаш, замонавий

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни маълумотлари [www.elsevier.com/locate/jethpharm](http://www.elsevier.com/locate/jethpharm), [www.springerlink.com/content](http://www.springerlink.com/content) манбалар асосида кўриб чиқилган.

тахлил усулларини ишлаб чиқиш, ёт моддаларни аниқлаш ва меъёрлаштириш, фармакопея сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш, стандартлаштириш, асосий кўрсаткичлар бўйича валидациялаш, дори шаклларни яратиш ва уларнинг барқарорлигини ошириш йўлларини излаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кенг фармакологик фаолликка эга бўлган Co(II) ва Zn(II) биометаллари асосида янги координацион бирикмаларни яратиш устида изланишлар олиб борилган, ҳамда фармакологик таъсири кенг бўлган глицирризин кислотаси асосида янги биокомплекслар олинган.

Дунё микёсида биометаллар ва глицирризин кислотаси асосида комплекс препаратларни яратиш, фармакологик хусусиятларини ўрганиш бўйича , R.Weis, D.Mellor, C.Coryel, P.Pfeiffer, W.Christeleit, G.Anderegg, C.Ferrari, K.Suzki, G.Tomas, H.Ley, K.Ficken, Y.Ley, M.Fedorchuk, J.Jeffrey, K.Nagao, Y.Kiso, M.Tohkin, H.Hikino, O.Kato, H.Fujita, R.Segal, А.П.Виноградов, И.И.Черняев, Ю.Я.Харитонов, М.И.Горяев, Г.А.Толстикова, Л.А. Балтина, Э.Э.Шульц, А.Г.Покровский, Л.К.Кладышев, В.А.Давыдова, А.Ю.Василенко, М.П.Ирисметов, Т.А.Арыстановаларнинг илмий тадқиқотлари таъкидлаш лозим.

Алоҳида эътибор координацион бирикмалар синтези, уларнинг стандартизацияси ва сифатини назорат қилиш бўйича маҳаллий олимлар М.А.Азизов, Н.А.Парпиев, Х.Х.Хакимов, О.А.Шабилалов, А.Н.Юнусходжаев, А.Б.Акбаров, А.Ф.Дусматовлар томонидан амалга оширилган ишларга эътибор қаратиш лозим.

Мазкур диссертация илк бор баъзи 3d-металлар асосида биокомплексларини яратиш, стандартлаш, сезувчанлиги юқори, муқобил усулларни қўллаган ҳолда сифат назоратини амалга ошириш ҳамда валидациялашни ишлаб чиқиш бўйича тизимли тақдим этилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқотлари Тошкент фармацевтика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Zn(II), глицирризин кислота ва гистидин асосида янги биокомплексни синтез қилиш, уни ҳамда Co (II) саклаган субстанциялар ва дори турларининг замонавий усулларда стандартлаш ва валидациялашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Zn(II) нинг глицирризин кислотаси ва гистидин билан аралашлигандли координацион бирикмасини олиш, хоссаларини ва координация усулларини аниқлаш;

глигисцин субстанцияси ва таблеткаларини сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

коамид субстанцияси ва унинг дори шакли бўлган «Коамид-RG» 1 % ли инъекцион эритмаси сифат назорати ва стандартлаштириш таҳлил усулларини такомиллаштириш;

кобальт-30 субстанцияси ва қиём дори шаклини сифат назорати ва стандартлаштириш таҳлил усулларини такомиллаштириш;

ўрганилаётган препаратлар микдорий таҳлил усулларини ёндош кўрсаткичлар асосида валидациялаш;

субстанциялар ва уларнинг дори шаклларининг барқарорлиги ва яроқлилиқ муддатларини аниқлаш;

стандартлаштирилган тадқиқот усуллари асосида ўрганилаётган моддалар ва дори шакллари учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Глигисцин, Коамид, Кобальт-30 субстанциялари ва уларнинг дори шакллари: Глигисцин таблеткалари, «Коамид-RG» 1% инъекцион эритмалари, Кобальт-30 қиёми танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўрганилган субстанциялар ва уларнинг дори шакллари таркибидаги фаол моддаларни муқобил сифат ва микдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш; меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, микдорий таҳлил - титрлаш, СФ, ГСХ ва ЮССХ усуллари билан олиб борилган аналитик услубларини валидациялаш, дори препаратларни барқарорлиги ва яроқлилиқ муддатларини белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида физик, физик-кимёвий, фармакологик ва микробиологик усуллардан, ҳамда таклиф этилган кимёвий тажрибалар ва физик-кимёвий синовлар натижаларини статистик қайта ишлаш замонавий компьютер дастуридан фойдаланилган. Илмий тадқиқотларда ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларга мувофиқ субстанциялар ва дори шакллари сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш учун «Чинлиги» ва «Микдорий таҳлил» кўрсаткичларини аниқлашда титрлаш усуллари, спектрал усуллар (ИҚ спектроскопия, ААС, спектрофотометрия), хроматографик усуллар (ЮҚХ, ГХ, ЮССХ), гел-гел-тест, ИСП - МС каби усуллар қўлланилди. Субстанцияларни тозаланиши баҳолашда «Қолдик органик эритувчилар» кўрсаткичини аниқлашда ГХ усули амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Глигисцин деб номланган гепатопротектор фаолликка эга бўлган рух, глицирризин кислотаси ва гистидин саклаган янги аралаш лигандли координацион бирикмасининг олиниш усули ишлаб чиқилган ҳамда ИҚ-спектроскопия ва дериватографик таҳлиллар натижалари асосида таркиби, хоссалари ва тузилиши аниқланган;

субстанциялар ва уларнинг дори шакллари стандартлаштириш асосланган, сифатни назорат қилишнинг муқобил услублари ишлаб чиқилган ва микдорий баҳолаш усуллари аниқланган ҳамда барқарорлиги белгиланган;

илк бор Глигисцин, Коамид ва Кобальт-30 субстанцияларда қолдик органик эритувчи микдори ГХ усулида, чинлиги ва ёт моддалари ЮҚХ ва ЮССХ усулларида, оғир металллар атом-абсорбцион спектроскопияси усулида, микроэлементларни микдори ИБП-МС усулида аниқланган;



моддалар ва уларнинг дори шакллари сифат ва миқдорий баҳолашнинг муқобил усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор субстанциялар ва уларнинг дори шакллари учун замонавий таҳлил усуллари назарий ва экспериментал асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

олинган натижалар асосида 3d-металларнинг мураккаб бирикмаларини глицирризин кислотасининг бошка ҳосилалари билан синтез қилиш ва аниқлаш учун фойдаланиш мумкинлиги белгиланган;

субстанциялар ва уларнинг дори шакллари халқаро стандартлар талабларига мувофиқ стандартлаш услублари ишлаб чиқилган, тавсия этилган юқори самарали суюқлик хроматография усулининг асосий валидацион кўрсаткичлари аниқланган;

субстанциялар учун янги сифат кўрсаткичи «органик эритувчининг қолдиқ миқдори» ва «Коамид-RG» 1% инъекцион эритмаси учун янги «бактериал эндотоксинлар» сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

дори шакллари учун ярқилик муддати белгиланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот давомида олинган натижалар замонавий физик-кимёвий, статистик ва фармакологик тадқиқотлар асосида тасдиқланган. Олиб борилган тадқиқотлар аккредитациядан ўтган аналитик лабораториялар ва саноат миқёсида синаб кўрилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти терапевтик самарадорлиги жиҳатидан хорижий дори воситаларидан кам бўлмаган, иқтисодий рақобатбордош бўлган баъзи бир 3d-металлар билан координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқариш имконияти билан белгиланганлиги ҳамда сифатни назорат қилиш талаб ва меъёрлари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Со(II) сақлаган гемопозни стимулловчи дори воситасига меъерий хужжатлар тасдиқланганлиги, ушбу препаратни ишлаб чиқарилиши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, импорт қилинадиган препаратларни ўрнини босишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Со(II) ва Zn(II) нинг янги биокомплексларини яратиш, стандартлаш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

коамид субстанцияси «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (КФМ 42 Уз-22175941-3036-2017). Натижада анемияга қарши воситаларни яратиш имконини берган;

«Коамид-RG» 1% инъекцион эритмаси «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (КФМ 42 Уз-22175941-3035-2017). Натижада гемопозни ошириш воситалар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

биокомплекслар яратиш ва стандартлаш, уларни хоссаларини

Ўрганишга оид натижалар асосида «5510500-фармация» ва «5510600-саноат фармацияси» бакалаврият таълим йўналиши бўйича «Фармацевтик кимё» дарслиги чоп этилган (Гувоҳнома №654-404 (1 жилд); №654-405 (2 жилд). Натижада бакалаврият талабаларининг дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш соҳасидаги билимларини бойитиш ва мустаҳкамлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Илмий натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил қилган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ва ишончлилиги, олинган натижаларнинг амалга оширилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.


**«Биометаллар билан координацион бирикмалар асосида дори препаратларни яратишнинг замонавий ҳолати. Сифатини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичлар»** деб номланган диссертациянинг биринчи бобида адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида биоэлементларнинг координацион бирикмаларига асосланган дори воситаларини яратишнинг ҳозирги ҳолати акс эттирилган бўлиб, янги дори воситаларини яратиш учун глицирризин кислотаси потенциал биолиганд, шунингдек дори воситаларини стандартлаштириш ва сифатни таъминлашнинг замонавий жиҳатлари ва аналитик усулларни текширишнинг асосий тамойиллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотлардаги дастлабки реагентлар ва объектлар»** деб номланган иккинчи бобида дастлабки моддалар, тадқиқот материаллари ва объектлари, ускуналар ва тадқиқот усуллари келтирилган.

**«Глигисцин субстанцияси ва таблетка дори шаклини олиниши, сифат назорати, стандартлаш ва валидацияси»** деб номланган учинчи бобида Глигисцин дори моддасини олиниш усуллари, хоссалари ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Глигисцин дори моддаси ва таблеткаларни хроматографик ва оптик усулларни қўллаган ҳолда сифатини назорат қилиш, стандартлаштириш усуллари ва валидациялаш тадбирлари ишлаб чиқилиб, ўрганилаётган объектлар тозалиги ва ёт аралашмалар

аниклаш усуллари берилган.


Препаратни идентификациялаш учун ИҚ-спектроскопия усули тавсия этилган (1-расм).




1-расм. Глигисцин дори моддасининг ИҚ-спектри

ИҚ-спектроскопия усули ассосида шуни тасдиқлаш мумкинки Глигисцин таркибидаги глицирризин кислота монодентант, гистидин-бидентант координацияга учрайди.


Глигисцин таблеткалари мисолида, фаол моддаларнинг чинлиги ва миқдорини аниклашда кўринадиган нур ютилиш соҳасидаги УБ-спектрлар 2-5 расмларда келтирилган.




2- расм. Глигисцин таблетка эритмасининг спектри



3-расм. ГК ишчи стандарт намуна эритмасининг УБ спектри




4-расм. Глигисцин таблеткаларнинг кўринадиган соҳадаги ютилиш спектри




5-расм. Гистидин ИСН кўринадиган соҳадаги ютилиш спектри

Расмлар шуни кўрсатдики, Глигисцин таблеткалардаги характерли ютилиш максимуми ишчи стандарт намуна эритмаларидаги максимум билан бир хил.


Микдорий таҳлил учун муқобил ва бирлаштирилган усул сифатида ЮССХ усули ишлаб чиқилган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида чинлик, ёт аралашмалар ва микдорий таҳлилни аниқлаш имконини беради. 6-9 расмларда стандарт ва текширилувчи намуналарнинг ушланиш вақтлари хроматограммалари келтирилган.




6-расм. Глигисцин таблеткаларида глицирризин кислота эритмасининг хроматограммаси



7-расм. Глицирризин кислота стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси



8-расм. Гистидин эритмаси стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси



9- расм. Глигисцин таблеткаларида гистидин эритмасининг хроматограммаси

Олиб борилган изланиш натижалари 1,2- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ЮССХ усулида Глигисцин таблеткасидаги глицирризин  
кислотасини микдорий таҳлил натижалари

Серия рақами	№	Препаратнинг аниқ тортмаси, г	Чўққи майдони, S	Глицирризин кислота микдори, мг/таб	Метрологик тавсифи	
1.1	1	0,0102	22981	89,0	$X_{cp}=89,26$ $f=4$ $S^2=0,0980$ $S=0,3130$ $S_x=0,1400$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=0,8701$ $\Delta X_{cp}=0,3687$ $\varepsilon=0,9749\%$ $\varepsilon_{cp}=0,4360\%$
	2	0,0104	24040	89,1		
	3	0,0105	24160	89,2		
	4	0,0102	23617	89,8		
	5	0,0105	23775	89,2		
1.2	1	0,0102	23459	89,0	$X_{cp}=89,48$ $f=4$ $S^2=0,1370$ $S=0,3701$ $S_x=0,1655$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=1,0288$ $\Delta X_{cp}=0,4601$ $\varepsilon=1,1490\%$ $\varepsilon_{cp}=0,5142\%$
	2	0,0103	23618	89,8		
	3	0,0104	23538	89,9		
	4	0,0102	23657	89,3		
	5	0,0108	23736	89,4		
1.3	1	0,0107	23499	89,3	$X_{cp}=89,22$ $f=4$ $S^2=0,037$ $S=0,1923$ $S_x=0,0860$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=0,5345$ $\Delta X_{cp}=0,2390$ $\varepsilon=0,5993\%$ $\varepsilon_{cp}=0,2680\%$
	2	0,0104	23578	89,52		
	3	0,0105	23655	89,1		
	4	0,0103	23617	89,0		
	5	0,0104	23578	89,21		
1.4	1	0,0107	24012	89,3	$X_{cp}=89,38$ $f=4$ $S^2=0,0170$ $S=0,1304$ $S_x=0,0583$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=0,3625$ $\Delta X_{cp}=0,1621$ $\varepsilon=0,4055\%$ $\varepsilon_{cp}=0,1813\%$
	2	0,0104	23894	89,2		
	3	0,0106	23973	89,5		
	4	0,0107	23652	89,5		
	5	0,0105	23933	89,4		
1.5	1	0,0103	23775	89,3	$X_{cp}=89,56$ $f=4$ $S^2=0,0280$ $S=0,1673$ $S_x=0,0748$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=0,4650$ $\Delta X_{cp}=0,2080$ $\varepsilon=0,5194\%$ $\varepsilon_{cp}=0,2322\%$
	2	0,0104	23894	89,7		
	3	0,0105	23736	89,5		
	4	0,0104	23854	89,6		
	5	0,0105	23891	89,7		

2-жадвал

ЮССХ усулида Глигисцин таблеткасидаги гистидинни  
микдорий таҳлил натижалари

Серия рақами	№	Препаратнинг аниқ тортмаси, г	Чўққи майдони, S	Гистидин микдори, мг/таб	Метрологик тавсифи	
	1	0,0508	5634	34,5	$X_{cp}=34,38$ $f=4$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=0,3625$
	2	0,0512	5629	34,4		

1.1	3	0,0506	5645	34,5	$S^2=0,0170$	$\Delta X_{cp}=0,1621$
	4	0,0505	5638	34,2	$S=0,1304$	$\varepsilon=1,0543\%$
	5	0,0509	5641	34,3	$S_x=0,0583$	$\varepsilon_{cp}=0,4715\%$
1.2	1	0,0513	5647	34,4	$X_{cp}=34,42$	$T(95\%; 4)=2,78$
	2	0,0510	5648	34,5	$f=4$	$\Delta X=0,2324$
	3	0,0514	5652	34,4	$S^2=0,0070$	$\Delta X_{cp}=0,0985$
	4	0,0507	5654	34,3	$S=0,0836$	$\varepsilon=0,6757\%$
	5	0,0508	5638	34,5	$S_x=0,0374$	$\varepsilon_{cp}=0,3022\%$
1.3	1	0,0509	5643	34,4	$X_{cp}=34,3600$	$T(95\%; 4)=2,78$
	2	0,0511	5647	34,3	$f=4$	$\Delta X=0,4214$
	3	0,0512	5639	34,3	$S^2=0,0230$	$\Delta X_{cp}=0,1884$
	4	0,0516	5646	34,2	$S=0,1516$	$\varepsilon=1,2270\%$
	5	0,0511	5653	34,6	$S_x=0,0678$	$\varepsilon_{cp}=0,5487\%$
1.4	1	0,0512	5652	34,2	$X_{cp}=34,30$	$T(95\%; 4)=2,78$
	2	0,0514	5648	34,4	$f=4$	$\Delta X=0,2780$
	3	0,0510	5642	34,2	$S^2=0,0100$	$\Delta X_{cp}=0,1243$
	4	0,0515	5648	34,3	$S=0,1000$	$\varepsilon=0,8104\%$
	5	0,0519	5648	34,4	$S_x=0,0447$	$\varepsilon_{cp}=0,3624\%$
1.5	1	0,0511	5635	34,5	$X_{cp}=34,42$	$T(95\%; 4)=2,78$
	2	0,0509	5659	34,4	$f=4$	$\Delta X=0,2324$
	3	0,0512	5645	34,3	$S^2=0,0070$	$\Delta X_{cp}=0,9847$
	4	0,0516	5648	34,4	$S=0,0836$	$\varepsilon=0,6757\%$
	5	0,0518	5655	34,5	$S_x=0,0374$	$\varepsilon_{cp}=0,3022\%$

Ёт аралашмаларни ЮҚХ усули билан аниқланди, бунда миқдори 1 % дан ошмаслиги бўйича меъёр белгиланди.

Цинк микроэлементининг миқдорини аниқлаш учун комплексонометрик усули билан бир қаторда кам миқдордаги намуналардан аниқлаш имкониятини берадиган сезувчанлини юқори бўлган МС-ИБП усули таклиф қилинди. Бунда иккита усулда олинган натижалар 4,45%-5,45% оралигида бўлди.

Хавфсизлик сифати кўрсаткичларидан бири қолдиқ органик эритувчиларнинг мавжудлигидадир. Қолдиқ органик эритувчилар-фармацевтик моддалар ёки дори препаратлари ишлаб чиқаришнинг исталган босқичида ишлатиладиган ёки ҳосил бўладиган учувчан эритувчилардир, уларнинг миқдори мажбурий ҳисобга олиниши сифатни таъминлаш имконини беради.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, биз томонимиздан ўрганилаётган моддадаги қолдиқ органик эритувчини аниқлаш усули ишлаб чиқилди, бунда намунада этил спирти аниқланди. Этил спирти токсиклик даражаси 3 синфга мансуб бўлиб, заҳарлилик даражаси паст (GMP қоидалари ёки бошқа сифат талаблари бўйича меъёрлаштирилган), миқдори 0,2% дан ошмаган ва стандарт талабларига жавоб беради. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари 3-жадвалда келтирилган.

**Глигисцин субстанция таркибидаги қолдиқ органик эритувчининг аниқлаш натижалари**

Сериялар	Этил спирти миқдори, %	
	0,2% ошмаслиги керак	Экспериментал топилган натижалар, %
1	≤0,2%	0,02
2	≤0,2%	0,04
3	≤0,2%	0,05
4	≤0,2%	0,05
5	≤0,2%	0,01

Шундай қилиб, замонавий талабларга мувофиқ, шунингдек «Дори воситаларнинг хавфсизлиги Умумий техник регламент» (Ўзбекистон Республикасининг 27.10.2016 йилдаги 365-сонли қарорига илова) бўйича, Глигисцин дори моддаси ва таблеткалари учун мажбурий сифат кўрсаткич стандартлари тасдиқланди. Натижалар 4, 5-жадвалларда кўрсатилган.

4-жадвал

**Глигисцин субстанциясининг спецификацияси**

Кўрсаткич	Усул	Меъёр
Тасвирланиши	Визуал	Аморф кукун оч сарикдан сарик ранггача.
Эрувчанлиги	ДФ XI, 1 нашр, б. 175.	Сувда жуда кам эрийди, спирт, ацетон ва эфирда эримайди, ишқор эритмаларида эрийди
Чинлиги 1. Глицирризин кислотаси 2. Гистидин 3. Цинк	1. Тритерпен сапонинларга сифат реакция, СФ, ЮССХ; 2. Нингидрин билан сифат реакция, ФЭК, ЮССХ; 3. Сифат реакция (ДФ XI, 1 нашр, б.165); ИҚ-спектроскопия	Стандарт намуналарга нисбатан ранг, ютилиш максимуми ва ушланиш ватлари кузатилиши лозим.
Суюқланиш ҳарорати	ДФ XI, 1 нашр, б. 16.	235 <sup>0</sup> С, парчаланиш билан
Ёт аралашмалар	1. ТСХ (ГК, Гис) 2. ЮССХ (йигиндиси)	1% дан ошмаслиги керак 1% дан ошмаслиги керак
Қолдиқ органик эритувчилар	ГХ (этил спирти)	0,2%дан ошмаслиги керак
Сульфат кули	ДФ XI	0,1%дан ошмаслиги керак
Оғир металлар	ДФ XI (ААС)	0,001%дан ошмаслиги керак
Қуритишда оғирликнинг йўқолиши	Гравиметрик (ДФ XI)	10,5%дан ошмаслиги керак
Микробиологик тозаллиги	ЕФ	1 г препаратда умумий



	Тўғридан-тўғри экиш усули	аэроб бактериалардан 1000дан ошмаслиги лозим, 1 г даги умумий замбуругларнинг сони – 100 КОЕ дан ошмаслиги керак, 1 г даги энтеробактерилар, pseudomonas aeruginosa, staphylococcus aureus бўлмаслиги керак.
Микдорий таҳлил 1. Глицирризин кислотаси 2. Гистидин 3. Цинк	1. СФ, ЮССХ; 2. ФЭК, ЮССХ 3. Комплексонометрик, ИБП-МС	1. 59,10% - 62,30 %; 2. 22,3% - 24,3%; 3. 4,45% - 5,45%.

5- жадвал

Глигисцин таблеткаларнинг спецификацияси

Кўрсаткич	Усул	Меъёр
Тасвирланиши	Визуал	Сариқ рангли текис цилиндр шаклидаги таблеткалар. Ташқи кўриниши бўйича улар ДФ XI, 2-сон, б. 154 келтирилган талабларга жавоб бериши керак.
Чинлиги 1.Глицирризин кислотаси 2.Гистидин 3.Цинк	1.Тритерпен сапонинларга сифат реакция, СФ, ЮССХ; 2.Нингидрин билан сифат реакция, ФЭК, ЮССХ; 3.Сифат реакция (ДФ XI, 1 нашр, б.165), ИК-спектроскопия	Стандарт намуналарга нисбатан ранг, ютилиш максимуми ва ушланиш вақтлари кузатилиши керак.
Ўртача огирлик ва ўртача огирликдан четланиш	ДФ XI,1 нашр, б.154	0,2 г±7,5%
Парчаланувчанлик	ДФ XI,1 нашр, б.154	15 дақиқадан ошмаслиги керак
Ишқаланувчанлик		97% дан кам бўлмаслиги
Синишга булган чидамлилиқ		30 Н дан кам эмас
Эрувчанлик	Спектрофотометрик	75% дан кам эмас
Ёт аралашмалар	ТСХ ЮССХ	Жами 1% ошмаслиги керак Жами 1% ошмаслиги керак
Микробиологик тозалиги	ЕФ	1 г препаратда умумий аэроб бактериалардан 1000 дан ошмаслиги лозим, 1 г даги умумий


		замбуругларнинг сони – 100 КОЕ дан ошмаслиги лозим, 1 г даги энтеробактерилар, pseudomonas aeruginosa, staphylococcus aureus бўлмаслиги керак.
Микдорий таҳлил Глицирризин кислотаси Гистидин Цинк	СФ, ЮССХ; ФЭК, ЮССХ Комплексонометрик	Таблеткалардаги микдори: 88,7 мг - 93,4 мг 33,4 мг – 36,4 мг 6,6 мг-8,1 мг

Юқоридаги таҳлил ишларида олинган натижада Глигисцин субстанцияси ва дори шакли маъерий хужжатлар талабларига жавоб беришини кўрсатади.

Валидация сифатни таъминлаш тизимининг муҳим қисми эканлигини ҳисобга олган ҳолда, биз томонимиздан микдорий таҳлил усубини асосий мезонлар: қайтарувчанлик, ўзига хослик (селективлик), аниқлик ва чизиклилик кўрсаткичлари бўйича валидацияси олиб борилди.

Тўртинчи боб «**Коамид субстанцияси ва дори шаклини сифат назоратини такомиллаштириш, стандартлаш ва валидацияси**» деб номланган. Ушбу бобда Техник Регламентга мувофиқ (ЎзР ВМ нинг 27.10.2016г. №365-сон қарорига илова) сифат назорат усулларини стандартлаштириш маълумотлари келтирилган бўлиб, мажбурий сифат кўрсаткичлари нормалари тасдиқланган.


Коамид субстанцияни чинлигини аниқлаш учун 10-расмда келтирилган ИҚ-спектр тавсия этилган. Бунда коамид субстанциясига хос нур ютилиш йўллари бир хил бўлиши белгиланган.




10-расм. Коамид субстанциясининг ИҚ-спектри

Шу билан бирга, Коамид субстанцияси ва «Коамид-RG» 1% ли инъекцион эритмаларини микдорий таҳлили учун муқобил ва сезувчанлиги юқори бўлган ЮССХ усули таклиф қилинди. Бу усул бир вақтда ёт аралашмаларни аниқлаш учун ҳам қўлланилади.

11,12-расмларда келтирилган хроматограммаларда «Коамид-RG» 1% инъекцион эритмаси ва ишчи стандарт намуна эритмаси учун бир хил ушланиш вақтини кўрсатади.



11-расм. Коамид ишчи стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси



12-расм. «Коамид-RG» 1% инъекцион эритмасининг хроматограммаси

Олинган миқдорий таҳлил натижалари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

ЮССХ усулида «Коамид-RG» 1% инъекцион эритмасини миқдорий таҳлил натижалари

Серия рақами	№	Олинган намуна ҳажми, мл	Чўкки майдони, S	Миқдори, %	Метрологик тавсифи	
1	1	1,0	3809	0,98%	$X_{cp}=0,9860$ $f=4$ $S^2=0,00003$ $S=0,0054$ $S_x=0,0024$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=0,0150$ $\Delta X_{cp}=0,0067$ $\varepsilon=1,5442\%$ $\varepsilon_{cp}=0,6906\%$
	2	1,0	3810	0,99%		
	3	1,0	3805	0,99%		
	4	1,0	3809	0,98%		
	5	1,0	3810	0,99%		
2	1	1,0	3806	0,97%	$X_{cp}=0,982$ $f=4$ $S^2=0,0001$ $S=0,0109$ $S_x=0,0048$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=0,0303$ $\Delta X_{cp}=0,0135$ $\varepsilon=3,1011\%$ $\varepsilon_{cp}=1,3868\%$
	2	1,0	3811	0,99%		
	3	1,0	3805	0,97%		
	4	1,0	3812	0,99%		
	5	1,0	3811	0,99%		
3	1	1,0	3815	0,99%	$X_{cp}=0,978$ $f=4$ $S^2=0,00007$	$T(95\%; 4)=2,78$ $\Delta X=0,0232$ $\Delta X_{cp}=0,0104$
	2	1,0	3804	0,98%		
	3	1,0	3801	0,97%		

	4	1,0	3808	0,98%	S=0,00836	$\varepsilon=2,3782\%$
	5	1,0	3810	0,97%	$S_x=0,0037$	$\varepsilon_{cp}=1,0635\%$
4	1	1,0	3815	0,98%	$X_{cp}=0,9840$	$T(95\%; 4)=2,78$
	2	1,0	3822	0,99%	f=4	$\Delta X=0,0152$
	3	1,0	3817	0,98%	$S^2=0,00003$	$\Delta X_{cp}=0,0068$
	4	1,0	3809	0,98%	S=0,00547	$\varepsilon=1,5474\%$
	5	1,0	3818	0,99%	$S_x=0,0024$	$\varepsilon_{cp}=0,6920\%$
5	1	1,0	3825	1,01%	$X_{cp}=1,004$	$T(95\%; 4)=2,78$
	2	1,0	3818	0,99%	f=4	$\Delta X=0,0372$
	3	1,0	3828	1,01%	$S^2=0,00018$	$\Delta X_{cp}=0,0166$
	4	1,0	3822	1,02%	S=0,0134	$\varepsilon=3,7149\%$
	5	1,0	3819	0,99%	$S_x=0,0060$	$\varepsilon_{cp}=1,6613\%$

Инъекицион эритмаларни сифатини назорат килиш учун пироген хоссаларини ўрганиш жараёнида мукобил усул – текширилувчи эритмадаги бактериал эндотоксинлар таркибини аниқлашдан ҳам фойдаланилди. Шу муносабат билан хавфсизлик кўрсаткичларини стандартлаштириш бўйича кейинги тадқиқот мақсади «Remedy Group» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарилган «Коамид-RG» 1% инъекицион эритма таркибидаги бактериал эндотоксинлар миқдорининг максимал даражасини аниқлашдан иборат бўлди.

Маълумки, янги ишлаб чиқилган препаратда бактериал эндотоксинларнинг чегаравий таркибининг киймати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$A=K/M (I);$$

Бу ерда, A–эндотоксинларнинг рухсат этилган максимал концентрацияси;

K – пирогенлик чегара зонаси (ЭБ/кг/час): парентерал юборишга мўлжалланган эритмалар учун бу киймат 5,0 ЭБ/мл/кг га тенг бўлиши керак;

M – тажриба давомида бир кг вазнга препаратнинг максимал дозаси: препарат учун 1,425 мг / кг / соат га тенг.

Бактериал эндотоксинларнинг миқдорини ҳисоблаш УФМ 42-Уз-000-1010-2010 талабига биноан олиб борилди. Бунда қуйидаги натижалар олинди:

Препаратнинг максимал рухсат этилган суялтиришининг нисбати 1:1166,0;

2. Аниқланаётган эритманинг суялтириш нисбати 1:1166,0;

3. Аниқланаётган эритманинг рН киймати 7,4 тенг.

Бактериал эндотоксинларнинг миқдорини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:  $A=5,0/1,425=3,5$

Тадқиқотлар ва ҳисоблаш натижасида бактериал эндотоксинларнинг миқдори 3,56 ЭБ/мг дан ошмаслиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Коамид субстанцияси ва унинг дори шакли учун спецификация шакллантирилди. Натижалар 7 ва 8 жадвалда келтирилган.

## Коамид субстанциясининг спецификацияси

Кўрсаткич	Усул	Меъёр
Тасвирланиши	Визуал	Хидсиз бинафша кукун.
Эрувчанлиги	ДФХІ, 1 нашр, б.175.	Сувда осон эрийди, спиртда, эфирда, хлороформда, ацетонда амалда эримайди.
Чинлиги	Сифат реакциялар, ИК-спектроскопия, ЮССХ	Ранг хосил булиши керак; Стандарт намуналарга нисбатан ютилиш максимуми ва ушланиш вакти кузатилиш лозим.
Суюкланиш харорати	ДФ ХІ, 1 нашр, б.16.	300 <sup>0</sup> С, парчаланиш билан.
Тиниқлиги	Визуал, ДФ ХІ, 1 нашр, б.194	10 мл да 0,1 г препарат эритмаси сув билан солиштирганда тиниқ бўлиши керак.
Ранглилиги	ДФ ХІ, 1 нашр, б.198.	Сув билан таққослаганда рангсиз бўлиши керак.
рН	Потенциометрик; ДФ ХІ, 1 нашр, б. 113	5,5 до 6,5
Қуритишда огирликнинг йўқолиши	ДФ ХІ, 1 нашр, б.176	Қуритишдаги огирликнинг йўқолиши 5% лан ошмаслиги керак.
Ёт аралашмалар	Сифат реакциялар ЮССХ ЮҚХ	0,25% дан ошмаслиги керак 0,25% дан ошмаслиги керак
Қолдиқ органик эритувчилар	ГХ (этил спирти)	0,2% дан ошмаслиги керак
Сульфат кули	ДФ ХІ	0,05 % дан ошмаслиги керак
Огир металлар	ДФ ХІ (ААС)	0,001% дан ошмаслиги керак
Микробиологик тозаллиги	ЕФ	1 г препаратда умумий аэроб бактериалар сони 10 <sup>3</sup> , умумий замбуругларнинг сони 10 <sup>2</sup> дан ошмасли, ҳамда Enterobacteriaceae, Pseudomonas aeruginosa ва Staphylococcus aureus сақламаслиги керак.
Миқдорий тахлили	Титриметрик (комплексометрик), ЮССХ	98%-101%

## «Коамид-RG» 1% инъекция учун эритмасининг спецификацияси

Кўрсаткич	Усул	Меъёр
Тасвирланиши	Визуал	Пушти рангли тиниқ эритма
Чинлиги	Сифат реакциялар, ЮССХ	Ранг хосил булиши керак; Стандарт намунага нисбатан ушланиш вакти кузатилиш лозим.
Тиниқлиги	Визуал, ДФ ХІ, 1 нашр, б.194	Эритма тиниқ бўлиши керак
рН	Потенциометрик; ДФ ХІ, 1 нашр, б. 113	5,5 дан 7,0 гача
Механик аралашмалар	О`z RH-42-15:2008	О`zRH-42-15:2008 да келтирилган талабларга

		жавоб бериши керак
Тўлдириш хажми	ДФ XI, 2 нашр, б.140	Номинал хажмдан кам бўлмаслиги керак
Ёт аралашмалар	ЮҚХ	0,25% дан кўп бўлмаслиги керак
Бактериал эндотоксинлар	Гель-тромб-тес, УФМ 42 Уз-0001-1010-2010	1 мг га 3,56 эБдан кўп бўлмаслиги керак
Токсиклик	ДФ XI, 2 нашр, б.182, УФМ 42 Уз-0004-2339-2013	Препарат токсик бўлмаслиги керак
Стериллик	ДФ XI, 2 нашр, б.187, категория 1	Препарат стерил бўлиши керак
Микдорий таҳлил	Титриметрия (комплексометрия), ЮССХ	98%-101% бўлиши керак.

Олиб борилган таҳлил ишларидаги натижалар Коамид субстанцияси ва дори шакли белгиланган маъёрларга мослигини кўрсатади.


Ушбу бобда таъсир этувчи моддани текширилувчи эритмаларда микдорини аниқлашнинг аналитик услубларини валидациялаш маълумотлари келтирилган.

Бешинчи боб «Кобальт-30 субстанцияси ва дори шаклини сифат назоратини такомиллаштириш, стандартлаш ва валидацияси» деб номланган. Ушбу бобда Кобальт-30 субстанциясининг морфологик тузилишини ўрганишда сканерловчи электрон микроскопиядан фойдаланиш ҳақида маълумот берилган.

Кобальт-30 субстанциясининг микротузилмаси EDWARD вакуумли тизим сақлаган Polaronflange (SputterCoater) аппарати ёрдамида пластинкалар устига пуркаб, кейинги таҳлилларни сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида ўрганилади. СЭМ да Кобальта-30 нинг ҳар хил катталиқда морфологик микротузилмаси кўрсатилган. Кобальт-30 препаратининг юза морфологияси аниқланган.



Кобальт-30 препарати микротузилмасининг СЭМ таҳлили нанобирикмасининг кристалл тузилишини аниқ кўрсатади. Бундан ташқари СЭМ таҳлилининг натижалари тасдиқлаган кристалл тузилмасида қоплаш ёки боғлаш жараёнлари олиб борилмади.

